



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@uzpak.uz • 2002 йил 25 октябрь, №231-232 (3059-3060) Жума

Олий Мажлисида

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) кам сонли миллатлар масалалари бўйича олий комиссари Рольф Экеус бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

ЕХХТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ


Учрашувда парламент раиси Эркин Халилов ЕХХТ вакилларига Ўзбекистоннинг олий қонун чикарувчи органи ҳамда бошқа демократик институтларнинг фаолияти ҳақида гапириб берди.

Рольф Экеус Ўзбекистон-ЕХХТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашиб, ўзи раҳбарлик қилаётган комиссариат томонидан амалга оширилган ишлар ҳусусида маълумот берди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шу кунги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани ва ўтган вақт давомида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, демократик институтлар фаолиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини муҳофизат қилиш каби соҳаларда яхши натижаларга эришилгани таъкидланди.

ЕХХТ делегацияси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан ҳам учрашди.



Болажоним! Киндик қонинг тўқилган туپроқ — Ватан бирламчи онагидир. Унинг шарафини ҳимоя қилиш фарзандлар учун шарафдир. Ана шу шараф ҳамisha белбоғинг бўлсин. Ой бориб, омон қайт!

Абдуваҳоб ТўРАЕВ олган сурат-лавҳо.

Газ ҳисоблагич ўрнатдиңизми?

Қиш мавсумида табиий газ таъминоти олдини олиш мақсадида «Олмадиқгазтаъминот» корхонаси хонадонларга ётасига газ ўлчагич ўрната бошлади. Маъмур ҳисоблагичларни «Узкоммунхизмат» агентлиги кредит ҳисобига етказиб бермоқда.

Уттиз уч мингта абонентимиз бор, — дейди «Олмадиқгазтаъминот» корхонаси директори Нурқул Замуродов. — Корхона, ташкилотлар ва му-

ассасаларга газ ўлчагичлар ўрнатилган. Аммо хонадонларда бу рақам ўн фондан ошмайди. Натижада аҳолининг газ сарфини кўпайтириб кетмоқда. Газ ўлчагич, аввало газ сарфини тежасини, қолверса, уй эгаларини ортинча сарф-харajatдан сақлайди. Энг муҳими, кредит ҳисобига келтирилган бундай жиҳоз ўрнатилган хонадонлар унинг 4,5 фоизини тўлайди, холос. Бу аҳолига ҳам қўлайлик тўтирмоқда.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан баёноти

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижа-сида тинч аҳоли орасидан бир неча юз нафар киши гаровда ушлаб турилган тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай террорчилик ҳаракатини кескин қоралайди. Террорчилик амаллари ва кўрқитиш йўли билан муайян мақсадларга эришиш ёки вужудга келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган уринишлар мутлақо номақбулдир.

Ўзбекистон вужудга келган танглик соғлом фикр асносида бартаграф этилиши ва гаровда сақланаётган инсонлар ҳаёти сақлаб қолинишига умид билдиради.

Москвада рўй бераётган воқеалар нафақат МДХ мамлакатларидаги, Россиядаги, балки бутун дунёдаги одамларни ташвишга солмоқда. Москва марказидаги Маданият уйида бир гуруҳ террорчилар юзлаб бегуноҳ одамларни гаровда ушлаб турибди. Москвадаги воқеалар — халқаро террорчилик фаоллашганининг яна бир қўрқинишидир. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчақларида амалга оширилаётган портлашлар, одамларни гаровга олишлар, қотилликлар шундан далолат бермоқда.

Улар кўпуровчи, экстремистик кучларнинг одамлар орасида кўрқув ва ваҳимани кучайтириш, муайян мамлакатлар ва бутун минтақаларда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, узокни қўзлаган жинсий режаларига эришиш ва бу йўлда тинч аҳоли орасида ҳар қандай қурбонлардан қайтмасликка уринишлари билан узвий боғлиқ.

24 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда йиғилиш бўлиб ўтди. Унга барча ҳарбийлашган тузилмалар, шунингдек, аҳоли тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлиги учун бевосита масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари тақлиф этилди. Йиғилишда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари ва Президент қарорларининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда барқарор ва зият ва одамлар тинчлигини бузишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартаграф этиш ва олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда террорчилик ҳаракатлари йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳарбийлашган тузилмаларнинг профилактика ишларини кучайтириши лозим бўлган аниқ уқасткалари белгиланди.

Йиғилишда аҳолига хушёрлигини ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда фаол фуқаролик мавқеини эгаллаш, «Ўз уйингни ўзинг асра!» шioriни ҳаётга татиқ этишининг зарурлигини тушунириш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан бу масалаларни ҳал этишда ички ишлар идораларининг профилактика бўйича нозирлари ва маҳалла қўмиталарининг масъулиятини ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

(ЎзА).

Сўнгги хабарлар

Миллий истиқлол Ғояси ва мен

Яқинда Тошкент шаҳрида очилган «Бунёдкор ёшлар» телеклубида республика «Маънавият ва маърифат» маркази «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда «Ҳаёт, миллий истиқлол ғояси ва мен» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Турли ўқув муассасаларида таълим олаётган ёшлардан иборат телеклуб аъзолари ва шу иккита ташкилот мутахассислари учрашуви қизгин савол-жавоб, мунозара тарзида ўтди.

Давра суҳбатида ҳар бир фуқаро ўзига: «Миллий истиқлол ғояси шаҳсан менга қай даражада дахлдор?» — деган савол бериб, унга жавоб излаш керак, шундангина у ҳаракатдаги фаол кучга айланади, деган хулосага келинди.

Мурод ҲОШИМОВ.



Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

Сидней олимпиадаси бўлаётган бир пайтда Рустам Санодовнинг ярим финалга чиққанилиги ҳақидаги хабар мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларидаги бокс мухлисларига ҳам яшин тезлигида етиб борди. Балки ўшанда бу номи, яъни Ўзбекистон шон-шарафи учун курашаётган, рақибларидан бирма-бир ўзиб кетаётган бу баҳодирнинг исм-шарифини илк бор эшитганлар ҳам бўлганлар.

Эндиликда уни XIV Осиё ўйинларининг Олтин медали соҳибига айлантиришга ҳам танийди ва хурмат қилади.

Газетамизнинг 4-сўҳбасига қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Венгрия Республикаси Президенти Ференц Мадл тақлифига биноан 2002 йилнинг 27-29 октябрь кунлари расмий ташриф билан Венгрияда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор муҳим битимларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Олий ҳўжалик су-дида хорижий мамла-катлар судлари ва арбитражлари қарор-ларини тан олиш ҳамда ижро этишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

СУД ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРААР

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий ҳўжат уни қабул қилган мамлакатдагина қўрилиши мумкин.

Жаҳон ҳамжамияти-нинг тенг ҳуқуқий аъзоси бўлган мамлакатимиз бу-гунги кунда дунёнинг кўп-лаб давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқа-ларини йўлга қўйган, бир қанча халқаро ҳўжатлар-га қўшилган. Ҳуқуқий со-ҳадаги алоқалар кенг йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз судья-лари ва суд ижрочилари-нинг чет давлатлар суд-лари ва арбитражлари қарорларини тан олиш, ижро этиши оид миллий ва халқаро ҳуқуқ меъ-ёрларини чуқур ўраниши, халқаро меъёрларини тўғри қўллаш бугунги кун та-лаби бўлиб қолмоқда.

Анжуман бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар таҳлил этилди. Соҳанинг кўзга кўринган олимларидан бири Германиянинг Бре-мен университети про-фессори Р.Книппер, Штутгарт суди раиси Б.Раббо-Гайс маъруза-лари тинланди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

24 октябрь бутун дунёда Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти кўни сифатида нишонлади. БМТнинг Ўзбекистондаги вколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳам шу санага бағишланди.

Ўзбекистон-БМТ: ҳамкорлик қирралари

Ўзбекистон 1992 йилда Бир-лашган Миллатлар Ташкило-тининг тенг ҳуқуқий аъзосига айланган ва шу даврдан буюн турли халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга қара-тилган чора-тадбирларни амал-га оширишда фаол иштирок этмоқда. дех таъкидлади мат-буот анжуманида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваки-ли Ричард Конрой. БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг рес-публикамизга ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислам Каримов бил-ан учрашуви ҳамкорликка янги туртки бўлди. Ташриф да-вомида 2000 йил сентябрийда Мингбиллик саммитида қабул қилинган ривожланиш соҳаси-даги қарорларнинг қўллаб-қув-ватланиши яна бир бор тас-диқланди. Бугунги кунда БМТнинг асосий тамойили минг йиллик мақсадларни амалга ошириш борасида кўп-лаб халқаро ташкилотлар саъй-ҳаракатлари ва имкони-ятларини бирлаштиришар.

Уларнинг Ўзбекистонда амал-га оширилаётган дастур ва ло-йиҳалари мамлакат ҳўкумати бил-ан мувофиқлаштирилган ва республика вазирлик ҳамда идоралари билан яқин ҳамкор-ликка олиб боришмоқда.

Сўнгги вақтда БМТнинг қатор йирик бўлимлари ва агентликлари билан бундай ҳамкорлик аниқсиз жаал ривожланимоқда. Улар орасида ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Аҳоли-шунослик жамғармаси (ЮНФ-ПА), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқалар бор. Улар соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги ислоҳотлар, де-мократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллан-тириш жараёни, Орол минта-қаси экологик муаммоларини ҳал этишга қўмақлашмоқда. Масалан, БМТ ташкилотлари Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий да-стурини амалга оширишда сал-

моқли ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Жумладан, сўнгги ўн йиллик-да Ўзбекистонда дошлати ўли-ми камаймоқда, оналик ва бо-лалик муҳофазаси яхшилан-моқда, соғлиқни сақлаш тизи-мининг биринчи бўлини, шо-шинлиқ тиббий ёрдам кўрсати-ш соҳаси режалари равишда ислоҳ қилинмоқда, ўсиб келаят-ган авлодга таълим ва тарбия бериш халқаро меъёрларга мос-лаштирилмоқда. Биргаликда саъй-ҳаракатлар билан соғлом турмуш тарзи тартиб этилмоқ-да, шу жумладан ОИТС ва ги-ёвандлик каби дахшатли кас-салликларнинг олдини олиш тизими ривожланимоқда.

Матбуот анжуманида хабар қилингандек, октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ҳўкумати қўмағида БМТнинг Ўзбекистон-даги доимий вакили шафели-гиз яна бир қўшма дастур амал-га оширишга бошланди. Унинг вазифаси — Терми-Хайратон чегара пункти фаолиятини та-комиллаштиришга қўмақлашди. Бу пункт Афғонистонни пиллаш жараёнида муҳим ўрин тутди. Икки ойга мўлжалланган да-стури мақсади республика че-гараси ва боқсона хизматлари хо-лимлари касбий малакасини, уларнинг бу соҳада қўлланадиган халқаро қонун ва амал-ёл-лар тўғрисида хабардорлигини оширишдан иборат.

Матбуот анжуманида ишти-рок этган ЮНЕСКОнинг Ўзбеки-стондаги доимий вакили Майкл Барри Лейн, Жаҳон со-ғлиқни сақлаш ташкилотининг раҳбари Арүн Нанда, БМТнинг Баркотикларни назор-ат қилиш ва жинсийчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Антонелла Деледа, БМТнинг Ўзбекистондаги бо-шқа бўлимлари вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Танловга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифалардан келиб чиқиб, «Халқ сўзи» ва «Народное слово», «Правда Востока» газеталари, «Матбуот тарқатиш» акциядорлик уюшмаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси мамлакатимиз журналистлари орасида

«ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР» — «МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ СИЙМОСИДА»

мавзусида энг яхши публицистик асарлар тан-ловини эълон қилилади.

— Мустақиллик энг азиз ва энг улўғ неъмат эканлиги;

— истиқлол йилларида мамлакатимизда юз берган ва бераётган ҳаёбахш ўзгаришлар, ша-ҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг йил сар-фини гўзаллашиб ва кўркамлашиб бораётгани;

— кишиларнинг тафаккуридаги ўзгаришлар;

— мустақиллик йилларида эришилган мис-лел ютуқларнинг кишиларимиз тақдирини уну-тилмас ва ўчмас из қолдираётгани;

— тиниб-тинчмас, эзу мақсадлар билан ёниб яшаётган юртдошларимиз онгу тафакку-ридаги ўзгаришларнинг бош илҳомчиси истиқ-лол эканлиги;

— фидойилиги ва ташаббускорлиги билан барчага урнат, намуна бўлаётган ажойиб за-мондошларимиз сиймосида Ватанимизнинг буюк келажак ақс топаётгани

эркин буюкларга, янгидан-янги шакллари-да таъсирчан услубларга тараннум этилган энг яхши публицистик асарлар танловга қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асарлар 2002 йил да-вомида матбуотда эълон қилинган бўлиши шарт.

Танлов голиблари ваколатхона куйидагича тақдирланади:

1-урин (битта) — энг кам иш ҳақининг 60 баробари миқдорда;

2-урин (иккита) — энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорда;

3-урин (учта) — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорда.

Ғолиблар 2003 йил февраль ойининг охирида эълон қилинади.

Асарлар Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қув-ватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида 15 январьга қабул қилинади.

(Тошкент, Навоий кўчаси, 30-у. 3-қават, 34-хона.

Тел: 144-64-62, 144-37-87)

Танловга марҳамат, азиз журналистлар!

ВОБКЕНТ МИНОРИНИ КИМ ҚУРДИРГАН?
Биз ўзимизни қандай халқ деб биламиз? Хориж бизга қандай баҳо беради?
2-бет

«Текширишларни рўйхатга олиш китоблари» тўлдирилмаганлиги учун назорат қилувчи органларнинг 50 дан ортик мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ва интисомий чоралар кўрилди.
3-бет

Марҳумлар имзо чеколмай-дилар...ми?
4-бет

«Бахтли бўлишга ҳақлисан...»
5-бет

Биринчи робот қачон яратилган?
6-бет

Чумчуқ сўйса ҳам...
7-бет

БАФРИКЕНГЛИК БУЮКЛАРГА ХОС
8-бет

Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан

ВОБКЕНТ МИНОРИНИ КИМ ҚУРДИРГАН?

Биз ўзимизни қандай халқ деб биламиз? Хориж бизга қандай баҳо беради?

Назаримда, бу иккаласи бир нарса эмас. Чунки биз ўзимизни ҳар қанча юксакда кўрсак ҳам, зиммамиздан бунини бошқаларга билдириш, тан олдириш вазираси соқит қилинмайди.

Шу маънода менга у жумадан бу жумагача ўтган бир ҳафта мобайнида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидан обрўси бирдан кўтарилиб кетгандай туюлди.

Биз Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа қадим шаҳарларимиздаги одамларнинг ақлини лол қолдирадиган даражадаги мухташам иморатлар олдидан бамайлихотир, баъзан кундалик ташвишларимизга қорилиб ўтиб кетавормиз. Бунини табиий деб биламиз.

Лекин шу яқин ўтган кунларда мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан ҳамда Польша Республикаси Президентини Александр Красневский Бухорою Самарқанд меймоний обидаларини кўриб, шундай мўъжиза яратган халқ ҳақида таъоман ўзга бир хулосага келгани аниқ. Энг муҳими, жаҳоннинг бу икки сиёсий арбоби шундай яратувчан халқнинг порлоқ келажagini ҳам аниқ тасаввур қилди.

Биз эса бунёд этилган ҳар бир меймоний обиди мислсиз ва бебаҳо бойлигимиз эканини яна бир қарра дил-дилдан ҳис этдик, гурурландик.

Шундай келарди Ватанимизнинг минору мадрасаси туғул, ҳар бир тоши ҳам кўзинга тўтиб бўлиб кўрилади. Уларни айнан ким яратганини обдон билинг, рост, уша улуг зот ҳаққига дуо қилдинг келди.

Ўзбекистонда минорлар унчалар кўп эмас. Лекин бутун дунё бўйича олиб қараганда ҳам энг чиройли минорлар бизда. Улар ичидан Вобкент минори тамоман ажралиб турлади. Инигича бўлиб осмонга

бўй чўзгани, ичамлиги, бежиримлиги, баландлиги, энг муҳими, мана, тўққизинчи юз йилликка қадам қўйибди ҳамки, деярли ҳеч ерига гард юкмагандек сақлангани учун бўлса керак, уни мутахассислар «келиндарча минора» ҳам дейишди.

Минора милодий 1196 - 1198 йилларда бунёд этилган. Баландлиги - 44 метр. Пастки айланаси - 8 метр. Юқори қисми айланаси - 3 метр.

Ҳўш, мусулмон оламида минорлар нима мақсадда қурилган?

Бугун қўрқмай айта оламизки, маънавий мақсадда!

Москва Кремлида «шоҳ кўнгирак» ва «шоҳ тўп» бор. Чор ҳукумати ўтган асрларда урушпарварлигини кўз-кўз қилиб, бошқа давлатлар ва халқларга: «Мана, биз урушга қақирадиган кўнгиракнинг энг каттасини, тўпнинг энг даҳшатлигини яратдик, ҳамманг қўрқ!» - демоқчи бўлган. Бизда-чи? Биз минорнинг каттасини - Минори Калонни кўриб, унинг усти-дан одамларни намозга - эзгуликка чорлаганмиз, масжиднинг каттасини - Масжиди Калонни қуриб, одамлар кўнглига иймон уруғини эканмиз, дунёга эзгупарварлигимизни кўз-кўз қилганмиз...

Шундан ҳам аёнлашадик, ақсар минорлар муаззин азон айтишга мўлжалланиб, катта масжидлар олдидан қад ростлаган.

Бу - масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, бундай улкан меймоний ёдгорлигини бунёд этиш учун ҳар қандай замонда ҳам катта маблағ керак бўлади.

Шундай экан, Вобкент минори қурилишини ким маблағ билан таъминлаган? Бухоро Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоиди Ҳалим Тура-

евнинг изланишлари бу саволга аниқ ва ишончли жавоб беради. Олим Мухаммад Тоҳир Эшоннинг XVIII асрда ёзилган «Силсилаи хожалар-нақшбандия» асарини кўзлаб кўришдан ишончли далиллар топади.

Маълумки, Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг шон-шухрати бутун ислом оламига ёйилган эди. Шунинг учун бўлса керак ҳозиргача ҳам халқ у кишини «Хожайи жаҳон», яъни «Жаҳоннинг хожаси» дейди. Хатто, шу кунларда ҳам Гиждувон шаҳрини кўплар шу улуг зотнинг шарафига Хожайи жаҳон деб юртади.

Хуллас, Нақшбандия ихлосмандлари Ер юзининг турли бурчакларидан ҳазрати пирга ҳадиёлар юбориб турар эди. Бир гал Рум мамлакатидан пири қомилга катта миқдорда тилло юборилган эди. Шайх унинг бир қисминини фақир-ғарибларга тарқатди.

Колганини эса дину диёнатимиз шухрати осмон қадалар баланд бўлсин деб Вобкент жоме масжиди олдидан баланд минор қурдириш учун ажратди.

Ҳалим Тураевнинг кузатишларига кўра, Бурхонидин Абдуллазиз Иккинчи ўша даврнинг йирик сардорларидан бири бўлган. У Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг муриди эди. Минор қурилиши унинг даврида амалга оширилган. Тадқиқотчи мурид пирининг мақсадлари ва маблағи ҳисобига минорни Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний вафотидан кўп ўтмай қурдирган, деб ҳисоблайди.

Бу далиллар бизга тарихимиз ҳақида тамоман ўзига хос хулосаларга келиш имконини беради.

Авалло, илмда тасаввуф тараққийоти алоҳида, меймончилик тарихи алоҳида, дин равнақи алоҳида ўрнатилган, лекин ўтмишимизда булар кўп-кўп ришталар билан бир-бири-

га чамбарчас боғланиб кетганини эсдан чиқармаслигимиз керак. Шундай экан, меймончиликдаги бир қалавонинг учи тасаввудан топилса, не ажаб. Қолаверса, агар кимки тасаввуфни таркидунечилик деб ҳисоблаб юрган бўлса, хато қилади. Чунки Нақшбандия айнан тасаввуфни дунёвийлаштирган тарихат эди ва бу йўналишни айнан Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний таъинлаб берган ва кучайтирган.

Бунга исбот қилириб, узоққа боришнинг кераги йўқ. Марҳум академик Иззат Султон домланинг ишончли қўлёзма манбалар асосида аниқлашларига, Нақшбандиянинг бошгоиси - «Дил - ба ёр-у, даст - ба қор» шиорини биринчи бўлиб ўртага ташлаган зот ҳам Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний эди.

Ахир, минорларни ота-боболаримиз дунё турғунча турсин деб қуришмаганми? Вобкент минори бунёд этилганидан 804 йил ўтганидан кейин: «Илоҳо, шундай бўлсин!» дейишга тўла ҳақлимиз.

Ривоятга кўра, меймор Вобкент минори қурилишини 1196 йили бошлаб, ер остидан асосини тугатганидан кейин бирдан номиншонсиз йўқолиб қолди. Ҳукмдорлар ҳар томонга чопар юбориб ҳам уни топишолмади. Бир йилдан кейин ўзи қуриб келади. «Минор дунё турғунча туриши учун унинг асосини бир йил пиширишим керак эди», - деган экан ўшанда меймор...

Шундай абадий иморатлар яратган халқни БУНЁДКОР демаслик мумкинми? Бу халқ ҳозир ҳам шунга қодир.

Келажакда ҳам шундай бўлиб қолажак.

Султонмурод ОЛИМ, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари.

Қарор ва ижро

Жарқўрган туманида жами хонадонларнинг 64,38 фоизи газлаштирилган. Бу жиҳатдан Сурхондарёнинг бошқа туманларига нисбатан Жарқўрган бирмунча пешқадам.

Лекин туманининг «Жарқўрган», «Шарқ юлдузи» номли хўжаликлари ҳудуддаги 2000 та хонадонда газ қувури, газ ўчоқлари бору, газнинг ўзи йўқ. Мутахассисларнинг айтишича, агар газ ёниб турган хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатиб чиқилса, тежалган ёқилги ҳисобига ўша 2000 хонадоннинг газ ўчоқлари ҳам қизиб қолар экан.

Туманининг газдан фойдаланувчи ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида газ ўлчагичлар ўрнатиб бўлинган яхши илгари, ойнага, масалан 200-250 минг куб метр газ ёқадиганлар бу сарф даражасини олти-етти бараварига қисқартириб қолдилар. Бироқ туман газ таъминоти идорасининг бўлим бошлиғи Қувондиқ Саидхоннинг айтишича, энди 170 та хонадонда газ ўлчагичлар ўрнатилди. Газлаштирилган 16314 та хонадонга нисбатан қарайдиган бўлса, бу рақам кўзимизга жудаям кичик бўлиб кўриниши табиий.

Бир қарашда бу тадбирни ўтказиш ё ўтказмасликнинг таъминоти идора учун кўпам қизғин йўқдай. Улар бор газни улашиб, ўзларининг шу вақтгача қўлланб келинган ўлчам ва нархлари билан газ пулини истеъмолчилар сўраб олаверадилар. Яъни хонадондаги одам сони, ўчоқ-

Сиз суратда кўриб турган кўп миңкилограмм теримчи Гулчехра Аҳмедова Касби туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигида меҳнат қилади. Асосан интигича тоғли пахта етиштиришга ихтисослашган ушбу хўжалик бу йил 1800 гектар майдонда гўза парваришлади. Шундан 1200 гектари интигича тоғли пахтадир.

Йил баракали келди, - дейди хўжалик раҳбари Гелдиёр Азизов. - Зиммамиздаги 4560 тонналик хирмонни забт этдик. Мақсадимиз бу кўрсаткишни 6300 тоннага етказиш.

Бу йил галладан 127 миллион сўм соф фойда олган хўжалик пахтадан 300 миллион сўм фойда олишни режалаштирган. Шомурод ШАРОПОВ (ўза) олган сурат.

Музлаган ўчоқлар

ларга қараб ҳақ талаб қилдилар. Истеъмолчи, лекин анойи эмас. Қишда газдан ёлчималик, дейди. Фалон муддатларда ўчириб қўйилган газ учун пул тўламаймиз, дейди. Тортишувлар, тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Масалан, ўша, 21 октябр кунини ҳам газ идорасида шунга ўхшаш баҳсининг гувоҳи бўлдик: «Қўлдоғли» маҳалласида яшовчи фуқаро Мамадамин Умаров энг шимариб газ таъминоти идораси бош хисобчиси Бекмурод Жураевнинг хузурига кирди. Газ тўлови тўғри-нотўғрилигини ўзинча ҳисобинга ва бошқа назоратчиларга таҳлил қилиб бермоқчи бўлди. Емаган сомага пул бериб бўлман. Мен ҳам энди газ қачон ўчиб, қачон ёнганини соатма-соат ҳисоблаб бораман, дейди.

Бунга ўхшаш баҳсларда ким ҳақу, қайси томон ноҳақлигини аниқлаб бўлмайдилар. Сабаби, ўртада ҳақам - газ ўлчагич асбоби йўқ. Газ таъминоти идорасида ўн

бештача назоратчи ишлар экан. Идора бошқа ходимларининг ҳам асосий иши шу - газ ҳақини ундириш. Лекин белларини минг маҳкам боғлаб, чоғланганлари билан бу ишни эпловмай-тилар. Биринчи октябр

уйида бўлса керак, деди. Хуллас...

Мен Мустафоқуловдан хонадонларни газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жавдали, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳоллари

ҳолатига аҳолидан 120 миллион сўмлик газ ҳақини ундириб ололмади туришлар. Хисобчилару назоратчилар билан гурунгимиз энди қиёмига етаётганида телефон жиринглади. Ўзининг вилоятдаги раҳбарларидан бири билан телефонда гаплашиб бўлганидан сўнг Бекмурод Жураев гафийр-оддий бир ҳаракат қилган ўзи ҳозиргина тақдим қилган дебиторлик қарзи ёзилган қозғони қўлимдан шилиб олди. Бош раҳбарнинг изнисиз бунақа «данний» (маълумот демоқчи бўлса керак)ларни муҳбир зотиға бермаслик лозим экан. Бунини менга ҳозир Термиздан айтиб қолишди, деди хисобчи ва менинг исми-шарифимни ёздирди-ку, ўша қозғони ҳам узатгин менга, деб тиргалди.

Бошлик бўлса идорасида йўқ эди. (Кечгача бўлмади). Биров уни Термизга кетган, деди. Бошқалар, ҳокимиятга кетган, пахтага кетганга чиқаришди. Бош муҳандис Имомназар Мустафоқулов, бошлик касал,

аниқланган тақдирда кўрилган чора-тадбирлар ҳақида суриштираман. Муҳандис бу ишларга тегишли маълумотлар бўлим бошлиғи Қувондиқ Саидхондан эканлигини билдиради. Энди Саидхоннинг қайтадан излай бошлашимиз. Тополмаймиз. Тополмаганимиздан муҳандис енгил нафас қайтаргандек бўлди.

Лекин, қани эди бош хисобчию бош муҳандиснинг шу кичик муваффақиятидан сўнг Жарқўргонда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш ишлари жадаллашиб кетса. Юқорида эслатганимиздек, тежамкорликни қарор топтириш эвазига икки мингта хонадондаги музлаб турган газ ўчоқларида илиқлик - олов ёнса.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни фавқулодда вазиятлар вазири Ботир Парпиев олиб борди.

Ҳайъат йиғилишида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқармалари, мустақил бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ҳудудий бошқармаларнинг 9 ойлик иш якунлари, 2002 йил 4-қараги учун белгиланган вазифалари, республика иқтисодида муҳим ўрин эгалловчи объектларнинг ҳамда вазирлик ҳудудий бирикмаларининг 2002-2003 йил кузига ва қишқи мавсумларига тайёргарлиги, рўй бериши мумкин

бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, мажлисда НАТО ташкилоти томонидан 2003 йилда Фарғона вилоятига ўтказилган халқаро ўқув машғулотларига тайёргарлик ҳамда бир қатор бошқармаларнинг молия-хўжалик фаолиятлари текшируви натижалари юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Қурилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот маркази.

Бухоро манзаралари

Замонавий санъат марказида «Бухоро пленэри» бадиий кўргазмаси очилди. Унда Бухоро манзараларининг мўйзамлиги тасвири акс эттирилган. Кўргазмада мамлакатимиз, шунингдек, ҳамдўстлик давлатларидан келган турли ёшдаги график, акварелист, рангтаъсирчи ва меймор, дизайнер ва сураткашлар-

дан иборат ижодкорлар иштирок этишмоқда.

Кўргазмада нафақат этюдлар, балки бир қатор тугалланган асарлар тақдим этилмоқда. Шунингдек, юзга яқин сувбўёқ, чизматасвир, фотосурат ва графика техникасида бажаришган бошқа асарлар намойиш этилаётди.

Фельетон ўрнида

Айтишларича, шайтон ўғлини хузурига чорлаб, одамларни йўлдан оздиришни, нафс қулига айлатиришни, охири-оқибат шармандаю шармисор этишни тайинлабди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, у қайтиб келибди.

Ройдаси ёқади-ю, чиқими чақади-ми?

- Туппа-тузук одамларга ароқ ичириб, ақдан оздирам. Улар аввалига тилдан қолиб алжирлади, кейин оёқда туролмай тупроқда думалашди. Қолганлари каллақанган тунни кўчқоқлаганча соатлаб насухат қилишди, - дея хисоб берибди шайтонвачча.

- Бе, - ҳафсаласи пир бўлиб-

ди ота шайтоннинг, - маст-аластлар ўзимизники. Сен топарман-тутармон, обрў-эътиборли одамларни, иложи бўлса, мансабдорларни тўзонингга илинтир. Айниқса, пулга ружу қўйганларни йўлдан адаштириш хамирдан қил суғуришай бир гап.

Шайтонвачча қимларни авраб, ногорасига ўйнатгани бизга қоронғи. Аммо «тадбиркорлик» ниқоби остида миллион-миллион сўмларни нафс ўпқонига тумдон қилишча улгурган кимсаларнинг борлиги ҳақ гап. Мана, улардан айримлари: Хўжаободлик Мирҳамид Ҳакимов бир думалаб «Расул ҳожи» фирмасига раҳбар бўлиб олди. Мазкур фирма ақли асосан алкоғолли ичимликлар олдидан шунингдек, Ажаб! Фирманинг номи «Расул ҳожи» деб аталса-ю, спиртли ичимликларни сотса! Энди бугунги эшигининг. Шу мақсадда кейинги икки йил



бу ҳолда пул банка тушмайди.

- Бу бориб турган жиноят эканини билмасмидиларинг? - сўраймиз Мирҳамиддан.

- Шайтон йўлдан урди бизларни, шайтон! - фиғонидан дуд чиқди доғулининг.

- Оз эмас, кўп эмас, 28.040.338 сўм нақд пул банк юзанини кўрмабди-я!

- Шайтон оздириди...

Қилгилкини қилиб қўйиб, дўпти тор келганда шайтонни бағлардон қилётган устамонлардан яна бири шу тумандаги «Бахт-2000» хусусий фирмасининг бошлиғи Ерқинбек Ганиевдир. У ҳам кейинги икки йил мобайнида Мирҳамидга ўхшаш пул ўтказиш йўли билан савдо шохобчаларига 30.523.873 сўмлик спиртли ичимликлар келтирди. Савдо устамаси билан уларни 30.900.194 сўмга сотди. 28.217.227 сўмни назорат касса машинасига уришни «унутди». 30.125.673 сўм банка топширилмади.

- Бугеги қандай бўлди?

- Бир чиройли ишлаб, ризқ-насибамизни териб еб юрувдик, шайтоннинг гапига кириб, шунча қўрғуликларга дучор бўлдик, - ер чизади Ерқинбек. Кейин оғир хўрсинганча тилга кирди: - Ишимизни Хўжаобод тумани прокуратураси элак-элак қилди. Суд кўриб чиқди. Йигит киши-

нинг омади бир кетмасин экан, суд нақд 1.183.5 минг сўмни жарима сифатида бўйинимизга илб қўйди. Қолганини сиз сўраманг, мен айтимай...

- Сиз ҳам шайтонни рўқач қилмоқчимисиз? - деган саволимиз-

га жавоб беришга, тўғриси, «Барлос» фирмаси раҳбари Жаҳонгир Жаҳоннинг тили айланмади. Ахир нима ҳам десин? Турли базалардан 63.363,9 минг сўмлик алкоғолли маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан харид қилиб, уларни нақд пулга сотган, атиги 2.863,9 минг сўмни банка топшириб, қолган 60.500,2 минг сўмни бошқа мақсадларга сарфлаб бўлган «тадбиркор» ниманамини баҳона қилсин!

«Аср» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмаси ҳам Хўжаобод ҳудудига фаолият кўрсатади. Унинг раҳбари Иқбол Низомов савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларини мунтазам равишда бузишда юқоридагилардан асло қолишмади. Солиқ идораларига ҳисобот тақдим этишни ўзинга эр қўрмади. Белгиланган тартибда солиқ тўлаш ҳаёлига келмади. Ҳатто суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлади.

Туман прокуратураси бу гал Иқбол Низомовга нисбатан жиддийроқ чора қўлашга мажбур бўлди. Суд эса келтирилган 6.445.000 сўм миқдордаги зарарни тўла ундиришдан ташқари уни 1 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этишни лозим топди.

Кўриб турибсизки, шайтонни баҳона қилиб, аслида шайтонга

дарс берадиганлар Хўжаободдан анчагина. Улар йиллар давомида не-не қинғирликларга қўл урмадилар, дейсиз! Мўмай пул илжинди Алининг дўпписини Вайтага кийдирганлар ҳам бўлди. Мисол учун, «Пахтабанк»нинг туман бўлими собиқ бошқарувчиси Фозилжон Қоширов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, А.Набиев номли ширкат хўжалигига 4 миллион, Аъзам Хўжаев номли тиббий билим юртига уч миллион сўм миқдорда зарар етказди. Мазкур банкнинг янги раҳбари Илём Баҳромовнинг таваккалчилигига, «ишбилармон»лигига эса тан бермай иложингиз йўқ. У бош хисобчи Кўпайхон Пирматов билан тил бириктириб, ўзганин 38.650.000 сўмлик камомадини яшириш мақсадида ҳеч бир асосиз ана шу маблағни 1997-рақамли ҳисобвараққа ўтказиб қўйди...

«Чиллаки чиллақини кўриб, ранг олади», дейишани. М.Мирзаева «Савдогарбандин» Хўжаобод бўлимида касса бўлими мудирини, М.Нуриддинова бош хисобчи бўлиб ишларди. Улар мансабларидан фойдаланган ҳолда «Эҳтиёж Ой» фирмасига қарашли 2-АЕҚШнинг 2.182 минг сўм савдодан тушган тушум пулини ҳеч бир тортинмай ўлаштириб юбордилар.

Тадбиркорлар, ишбилармонлар учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилди, улар қўллаб-қувватланаётган бир пайтда юқоридаги кимсаларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларига қандай ҳолда бериш мумкин? Баҳо тайин: «Фойдаси ёқади, чиқими чақади» қабилида иш тутган ноқўрлар ўз қилмишларига яраша жазога мустаҳқилқилар! Шундай бўлди ҳам.

Содиқжон КАМОЛОВ, Андижон вилоят прокуратураси хузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси бошлигининг 1-ўринбосари.

Одильжон ШОДМОНИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Карор ва ижро

Иқтисодий эркинлаштириш мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг негизини ташкил этади. Ундан қўзғалган асосий мақсад Президент И. Каримов маърузаларида таъкидланганлардек, давлатнинг назорат функцияларини қисқартариш, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ҳақиқий маънодаги мустақиллигини таъминлаш, назорат қилувчи органларнинг улар фаолиятига асосис равишда аралашувиغا чек қўйишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда ҳўжалик юртувчи субъектларни, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик манфаатларини ҳўжам қилиш учун тўла имконият бериш қўнуний асослар яратилган. Ҳўкуматимиз томонидан қабул қилинган қўнун ва ҳўжатларда турли мулкчилик шаклидаги корхоналарга ўтказилган тегишли субъектларнинг тартибга солиш, уларни давлат томонидан назорат қилиш назорат тўғрисидаги «Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳўжалик юртувчи субъект-

тиш чоралар кўрилади. Ҳўжалик юртувчи субъектларда мазкур қўнуннинг қандай қилиб амалга оширилиши аниқлаш ҳамда уларга тегишли тартибга солиш тўғрисида тегишли масъуладор бериш мақсадида Кенгаш топшириғига биноан, гуруҳ ва ҳудудий комиссиялар ҳодимлари томонидан доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикадаги 2274 корхонада қўнуннинг қўрилиши ўрганилди. Урганиш натижалари шунки кўрсатмоқдаки, назорат қилувчи органлар томонидан тегишли ҳўжатларни қўнунчилик талабларининг бузилиши ҳўлатлари мавжуд. Улар томонидан корхоналарда 11 марта ноқўнуний тегишли ўтказилганлиги аниқланди. Мазкур тегишли субъектларнинг аксарияти Кенгаш, унинг ҳудудий комиссиялари руҳсатисиз ёки белгиланган мuddатларга амал қилинмасдан ўтказилган. Масалан, Сурхондарё вилояти Музробод туманидаги «Али-

Ислохот ва самара

Бухоро шаҳрида жойлашган «Б.Амонова» ҳиссадорлик жамияти ҳовлисига қадам қўйarkanсиз, даставвал, узум ишқомлари тепасида осиглиқ барқашдек осма соатга кўзингиз тушади. Кўпдан бери ишласангиз боис, ранги унқам, миллири йўқ, рақамлари хира тортган. Афтидан, унинг эҳтиёт қисмлари кимгадир зарур бўлган-у, қўполлик билан суғуриб олиб, шу ҳолатда қолдириб кетганга ўхшайди.

Қаровсиз осма соат билан корхона тақдирини ўрғана қўнунчилик бордек туюлади бизга. Тикув шехлари жойлашган ҳудуднинг тенг ярми «кимовиди» савдоси орқали сотилган. Ҳўжайин бошқа. Сабабини сўраганимизда, бекор турган бинолар, иншоотлар қўлоқликка юз тутган корхона учун қонни зарар, дея жавоб беришди. Бу ҳам тўғри. Ахир, бозор иқтисодиёти ҳисоб-китоб билан иш юритишни ҳўш кўради. Ҳўжайин билмаган эса ҳамёнидан айрилиши тайин.

Хўлас, тикувчиликка иқтисодлашган «Б.Амонова» ҳиссадорлик жамиятида бир йилча аввал манзара ана шундай эди. Бир вақтлар республика енгил санаят тармоғида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган бу корхона нима сабабдан ноҳор аҳволга тушиб қолди? Иқтисодий тангдан қўнунчиликнинг йўли борми? «Йўл битта, — деган тўхтама келишди мутаассадлар, — корхонада мулк шаклини ўзгартириш, ишчи-хизматчилар тафаккурда эгалик тўғриси чўқурлаштириш лозим».

Чўнқи кейинги йилларда корхонада раҳбар олти бор алмашди. Аммо уларнинг бирортаси жамоани ўз атрофига жалбатиришга, одамлар онга ва тафаккурга ишлов моҳиятини сингилдиришга эришилмади.

Шу йилнинг март ойида корхонада яна раҳбар алмашди. Энди гап табиийки унинг сая-ҳаракати ва таъкидотчилигига боғлиқ эди. «Бухоро» ҳиссадорлик жамиятида узўқ йиллар ишлаб, кўзи «пишган» тажрибали мутахассис Шарофат Қўзиева ўз гарданига қандай қатта масъулият юк-

Хамроева билан суҳбатлашганимизда, улар корхона келажиги аниқ билан қарашларини таъкидладилар. Кўпчиликнинг фикрича, шехлардаги усқуналар эскирган, уларни янгиларига алмаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини замонавий технология асосида қайта қуролантириш лозим. Ана шун-

кўрпа-тўшак ва бошқа хилдаги истеъмол махсудотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу борада, шўбҳасиз, «Бухоро» акциядорлик жамияти билан яқин ҳамкорлик қўл келмоқда. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд қувватлардан фойдаланиш бўлтурги даражадан 15 фоиз ўсган. Шу йилнинг январь-

кредиторлар билан ҳисоб-китобни ўрганиш қўйиш. Иккинчиси — корхона келажигини ўйлаб, уни иқтисодий соғломлаштириш чораларини излаш. Ҳўкумат комиссияси иккинчи йўлни маъқул деб топди. Ташқи бошқарув жорий этилди, корхонага икки йиллик санаяти имконияти берилди. Қарзларини тўлаш мuddати кечиктирилди. Энди бироз эркинроқ нафас ола бўларди...

— Йўқ, — деди бошқарув раиси. — Хотиржамликка асос йўқ. Аксинча, жамомиз учун изланиш даври энди бошланаяпти. Билдирилган ишончин оқлашимиз керак-да. Иқтисодий соғломлаштириш бизнес бўйича янги шериклар билан ҳўзиргача 350 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Бу маблағга замонавий тикув дастхўдлари сотиб олиб, мавжуд шехларни қайта жиҳозлашни мўлжаллашимиз. Янги ҳамкорларнинг излаб топаямиз. «Бухоро» ҳомашё таъминоти масаласида яқиндан ёрдам кўрсатмоқчи. Қўшимча шех таъкид этиш ҳисобидан янги иш ўринларини қўйатирилади. Бу ерда 140 та тўқув дастхўи ўрнатиш, улар ердамида бўз тўқуш, марли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қўзда тутилатир.

Яқин келажакдаги мўлжал ана шундай. Санаяти муҳлати қисқа. Икки йил ичида корхонани оёққа қўй олиш керак. Акс ҳолда барча ҳаракатлар зое кетади. Очинг, корхона ўз истикболини «Бухоро» билан яқин алоқада қўрапти. Бунга тўла асос бор. Ҳиссадорлик жамияти «Б.Амонова» Низом жамғармасидаги акциядорнинг 17 мундоқ сўмликнинг ёки 29,7 фоизини сотиб олган. Демак, икки йирик жамоа ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик янада мустақамланадди. Узўроқ ҳамкорликдан эса ҳеч ким, ҳеч қачон зиён кўрмаган. Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шундан далолат беради.

Ҳўлас, янги бошқарувчи Ш.Қўзиевага қолган «ерос» анча оғир. Ишлаб чиқариш воситаларининг саксон фоиз эскирган, жидий таъмирга муҳтож. 2002 йил 1 сентябрь ҳолати бўйича кредитдорлик қарзлари 89,7 миллион (шундан мuddати ўтгани 37 миллион) сўмини ташкил этади. Акциядорларга тўланмаган дивидендлар миқдори ҳам салмоқли. Ноҳор вазиятдан чиқиб учун нима қилмоқ керак?

Олднда икки йўл турарди. Биринчиси — корхонани банкрот деб эълон қилиш, мол-мулкни сотиб, Эркин ЁДГОРОВ, журналист. Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Тадбиркорлик ҳимояси — давр талаби

ларни тегишли тартибга солиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳўжалик юртувчи субъектларнинг тегишли тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги қарори шўлар жўмғасидандир.

